

ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИДА ОЗАРБАЙЖОН БИЛАН ҲАМКОРЛИК МУНОСАБАТЛАРИ

Эльмуратова Рухсора Толибжановна

*Таржимашунослик, тилишунослик ва халқаро журналистика
олий мактаби ўқитувчиси*

Аннотация: Ушбу мақолада икки давлатнинг ўзаро манфаатлар йўлидаги ҳамкорлиги ва уйғун иттифоқчи сифатидаги мақомини мустаҳкамлашга интилаётган ҳамкорлар десак муболага бўлмайди. давлатнинг миллий тараққиёти ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва халқаро позицияси ўртасидаги бевосита боғлиқликни кўра билган давлатлар бугун ўз олдида турган муҳим вазифалардан бири ўзининг Миллий тараққиёт концепциясига мос келадиган миллий ривожланиш концепциясини яратишга интилаётганлигини чуқур ўрганишни мақсад қилади.

Калит сўзлар. Стратегия, концепция, давлат, жамият, қонун, тараққиёт, иттифоқчи, декларация, ҳамкорлик.

Халқаро муносабатларда давлатнинг обрў-эътибори ва қиёфаси унинг миллий тараққиёти, хавфсизлик сиёсати билан боғлиқ бўлади. Миллий тараққиёт ва хавфсизлик сиёсати жамиятдаги сиёсий давлат бошқаруви самарадорлиги, ташқи таҳдидларга тайёргарлиги билан бирга ички барқарорлиги, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштироки ҳамда давлатдаги ички муаммоларнинг асосий кўрсаткичлари сифатида хизмат қилади.

Озарбайжон Республикаси мустақилликка эришгунга қадар миллий тараққиёт ва миллий хавфсизлик сиёсати алоҳида мавжуд бўлмаган. Унинг хавфсизлиги ва ривожланиши бошқа совет республикаларида бўлгани каби, умумий сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий шаклда ҳал қилинганлиги давлат қонунларида белгилаб қўйилган.

Миллий тараққиёт билан давлатнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва халқаро позицияси ўртасидаги бевосита боғлиқликни ҳисобга олган ҳолда, Озарбайжон мустақилликка эришгандан сўнг унинг олдида турган муҳим вазифалардан бири ўзининг Миллий тараққиёт концепциясига мос келадиган миллий ривожланиш тамойилларини яратди.

Кейинги йилларда Озарбайжон асосий эътиборни медиасаводхонликни мустаҳкамлаш, давлат ахборот ресурсларини ривожлантириш, халқаро ҳамкорлар билан дўстона билашиш шу билан бирга, бугунги кунда, ахборот оқимларини таҳлил қилиш учун ихтисослашган идоралар ташкил этиш ва ёлғон маълумотни йўқ қилиш учун ижтимоий тармоқлар орқали жамоатчилик тарғиботини кучайтириш ишлари назоратга олинган.

Бугун Озарбойжон давлатида миллий ва фуқаролик ҳамжамиятига асосланган мамлакатни бошқарувчи сиёсий ва ҳуқуқий институтларнинг фаолияти ҳар бир шахснинг ўз имкониятларига кўра ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнларга жалб этилиши бошланганлигини кўриш мумкин.

Қолаверса, замонавий давр талабларидан келиб чиқиб, “кучли ва самарали давлат” тушунчаси эркин, адолатли ва демократик қадриятлар қарор топган, сиёсий фаолияти эркинлиги ҳукмрон бўлган, барча фуқаролик ҳуқуқлари тўлиқ ҳурмат қилинадиган жамиятларга ҳам тегишлидир.

Озарбойжонлик олим, сиёсатшунос тадқиқотчи Али Гасановнинг фикрига кўра, “Сиёсий адабиётларда “самарали ва кучли давлат”, “самарали давлат бошқаруви” тушунчалари, одатда мураккаб марказий ва маҳаллий бошқарув механизми, барқарор ижтимоий-сиёсий ҳаёти, таъсирчан ва умумэътироф этилган қонунлари, халқ ишончини қозонган, унинг эҳтиёжларини қондирадиган, адолатли жамиятга эга мамлакатларга нисбатан қўлланилади”¹⁰ дейилади.

Ижтимоий-сиёсий барқарорликни ўрнатишда Озарбойжон давлати раҳбари Ҳайдар Алиевнинг “Озарбайжон миллий тараққиётининг энг муҳим шарти ва омилларидан бири сифатида ички ижтимоий-сиёсий барқарорликни ўрнатиш, уни таъминлаш ва барқарор сақлаш вазифаси”ни белгилаб берганлигини кўриш мумкин. Бу эса Ҳайдар Алиев томонидан ишлаб чиқилган миллий тараққиёт сиёсатининг асосий тамойилларидан бири ҳисобланган “барқарор ва кучли марказлашган давлат бошқарувини яратишдан мақсад қонунда белгиланган талабларнинг салмоқли қисмига риоя қилишни тақозо этади. Қолаверса, кучли давлат ва самарали давлат бошқаруви мамлакатни ягона марказдан бошқариш, марказий ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳудудий ва маҳаллий бошқарув тузилмалари ўртасида яқин алоқаларни ўрнатиш каби жиҳатларни ўз ичига олади”¹¹, дейилади.

Давлат раҳбарининг фикрига кўра кучли марказлашган давлат бошқарувини яратиш учун қонунда белгиланган талабларга риоя қилиш ва алоқаларнинг ўрнатишда биргаликда ҳаракатда бўлиш кераклиги айтилади.

Муносабатларнинг умумий оҳанги, мамлакатларимиз ва халқларимизни яқинлаштириш бўйича янги йўналишлар юксак даражада белгиланаётганлигини алоҳида таъкидлаш мумкин. Анча йиллардан буён давом этиб келаётган ўзаро алоқаларнинг икки давлат раҳбарлари ўртасидаги мулоқотини фаоллаштиришда бошланғич нуқтаси деб ҳисоблаш мумкин, шуни айтиш мумкинки, сўнгги беш йил ичида биргина вазирликлар, идоралар, парламентлар, йирик жамоат бирлашмалари ўртасидаги делегациялар алмашинуви яхши йўлга қўйилган. Ўзбекистон-Озарбайжон ҳамкорлигининг жадал ривожланаётганини бугунги кунда 169 та битимни ўз ичига

¹⁰ Гасанов А. М. Политика национального развития и безопасности Азербайджанской Республики. - Баку.: 2014. “Zardabi LTD” MMC, - С. 672.

¹¹ Гасанов А. М. Политика национального развития и безопасности Азербайджанской Республики. - Баку.: 2014. - С. 672. “Zardabi LTD” MMC,

олган икки томонлама шартномаларнинг ҳуқуқий базаси кенгайганлигини кўрамиз. Икки улуг давлатлар ўртасидаги стратегик шерикликни кенгайтириш ва ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги декларация асосий ҳужжат сифатида ўзига хос аҳамият касб этади.

Ўзбекистон ва Озарбойжон бир-бирига иқтисодий жиҳатдан истиқболли ҳамкорлар сифатида қарашини инкор этиб бўлмайди, бу эса йирик ва кичик бизнес алоқаларини кенгайтиришга ўзаро қизиқиш ва талабларнинг ортиб бораётганлигини кўрсатади. Ўзаро товар айирбошлаш динамикасига назар ташлайдиган бўлсак, бу ўзаро манфаатлар кўламини тушуниш учун кифоя қилади. Охирги беш йилликда уч барабарга ошган товар айланиши, 2023-йил охирига келиб 232 миллион долларга етган. 2024-йилга келиб бу миқдорнинг 15 фоизга ошганлигини кўрамиз. Бундай кўрсаткичлар натижасида товар айланиши мақсад 1 миллиард долларга етиши белгилаб қўйилган, бу эса давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг янада мустахкамланишига олиб келади.

Озарбойжон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий векторлари таҳлилга олинганда, шуни таъкидлаш зарурки, замонавий Озарбойжоннинг ташқи сиёсатининг асосий мақсади Тоғли Қорабоғ ва еттига қўшни вилоятлар (Агdam, Жабрайил, Зангелан, Фи Калбажарн, Кубатли, Фи Лазули) ҳудуди устидан назоратни тиклаш билан узвий боғлиқ бўлганлиги кўринади.

Бугун Ўзбекистон ва Озарбойжон давлатларининг ўттиз йиллик қўшничилик ҳамкорлигини мустахкалаш тўғрисидаги шартномалар илгари сурилганлиги. Бу икки давлат нафақат яхши қўшнилар, балки манфаатлари уйғун иттифоқчи сифатидаги мақомини мустахкамлашга интилаётган давлатлар десак муболаға бўлмайди.

Озарбойжон Президентининг 2024 йилда Тошкентга ташрифи ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, асосий ҳужжат — ҳамкорликнинг 40 га яқин йўналишни ўз ичига олади. Давлатлар ўртасида стратегик шерикликни чуқурлаштириш тўғрисидаги декларация имзоланганлиги, Ўзбекистон пойтахтида Ҳайдар Алиев номидаги кўча ва ёдгорлик майдонининг очилиши ҳам рамзий аҳамиятга эга эканлиги катта аҳамиятга эга.

Кейинги қадам 2024-йил август ойида Тошкентда биринчи йиғилиши бўлиб ўтган Олий давлатлараро кенгашни ташкил этиш бўлди. Ҳайдар Алиевнинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида икки томонлама муносабатларнинг янги векторини ҳуқуқий ва сиёсий жиҳатдан кодлаштирган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома имзоланганди. МДХ, Бирлашган Худуд ва ЭКО доирасидаги фаолият, шунингдек, БРИКС каби тузилмаларда биргаликда иштирок этиш масаласи Боку ва Тошкентнинг ҳатто ташқи алоқаларида ҳам бир-бирига иттифоқчи сифатида қарашидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистоннинг асосий мақсади мавжуд ҳамкорлик механизмларини янада ривожлантиришдан иборат. Ўзбекистон ва Озарбайжон яхши

кўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаб, ҳақиқий иттифоқчи бўлишга интилишда давом этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Гасанов А. М. Политика национального развития и безопасности Азербайджанской Республики. -Баку.: 2014. “Zardabi LTD” MMC, -с. 672.
2. Гасанов А. М. Политика национального развития и безопасности Азербайджанской Республики. -Баку.: 2014. “Zardabi LTD” MMC, -с. 672.